



Б У Й Р У Қ № _____

Тошкент ш.

«_____» _____ 2017 й.

**Таянч докторантура ва докторантурага
қабул режасини бажариш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сон Қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 7 сентябрдаги ФТА-02-11/614-сонли хати ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги 2017 йил 14 сентябрь 660-сонли буйруғини бажариш мақсадида институт кафедраларига 2018 йил учун таянч докторантура (PhD), мақсадли таянч докторантура (PhD) ҳамда докторантурага (DSc) қабул қилиш учун

БУЮРАМАН

§ 1

**«Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси»
факультетига:**

Ихтисослик шифри ва номи	2018 йил қабул режаси		
	Мақсадли (PhD)	Таянч докторантура (PhD)	Докторантура (DSc)
02.00.06 - Юқори молекуляр бирикмалар	1	-	1
02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси	-	2	-

«Ноорганик моддалар кимёвий технологияси» факультетига:

Ихтисослик шифри ва номи	2018 йил қабул режаси		
	Мақсадли (PhD)	Таянч докторантура (PhD)	Докторантура (DSc)
02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси	-	4	-

«Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» факультетига:

Ихтисослик шифри ва номи	2018 йил қабул режаси		
	Мақсадли (PhD)	Таянч докторантура (PhD)	Докторантура (DSc)
02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси	-	3	-

«Менежмент ва касб таълими» факультетига:

Ихтисослик шифри ва номи	2018 йил қабул режаси		
	Мақсадли (PhD)	Таянч докторантура (PhD)	Докторантура (DSc)
02.00.09 - Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш	-	2	-

§ 2

Факультет деканларига:

Таянч докторантурага асосан иқтидорли илмга чанқоқ камида 1 та мақола ва 2 та тезис чоп эттирган ёшларни, докторантурага эса 3 та мақола ва 2 та тезис чоп эттирган фан номзодларини ажратиб олиб танлов асосида қабул қилиш таъминлансин.

§ 3

Хужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1-25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

§ 4

Мазкур буйруқ бажарилишини назорат қилиш Илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор **Р.И.Адилов** зиммасига юклатилсин.

Ректор

Ш.А.Муталов